

Ул зоти анвар амири Бухоро хазратларининг хузури хумоюн русча таржимони мухтарам Бахромбек коровулбеги жаноблари: «Биз Туркистон ва Бухоро халкининг турклиги маълум бўлуб туруб... на учун сарт атайдурлар?» — деб мўътабар «Шўро» мажалласининг 1911 йил 16-ададинда савол этиб эдилар. Мазкур мажалланинг 19-ададинда «Ойна» мухаррири тарафидан «Сарт сўзи мажхулдур» унвони ила баъзи нимарсалар ёзилиб эди.

«Шўро»нинг 24-ададинда самаркандий мархум Бакохўжа тарафидан «Сарт лафзи аслсиздур» унвони ила баъзи нимарсалар ёзилиб эди. Мўътабар «Таржумон» мухаррири мухтарам Исмоилбек жаноблари «Таржумон»да «сарт» атамокни дуруст эмаслиги тўғрисида бир неча дафъа ёзиб эдилар. Сарт хакиндаги туркий маколаларнинг натижасини мўътабар устод Исмоилбек жаноблари тафсили илан Тошканда чикатургон «Туркестанский курьер» русча жаридасинда ҳам ёзиб нашр килдуруб эдилар. «Ойна»нинг (?) ракаминда яна ушбу тўғридан жаноб Бахромбек коровулбеги сўз кўзготиб эдилар.

Тотор муаррихи мухтарам Ахмад Заки Валидий жанобларининг Самаркандда келганларинда сарт сўзи хакинда баъзи муколималар ҳам бўлуб эди. Туркистон ёшларидан ушбу тўғрида бир неча эътироз — «прўтест» номалар ҳам келиб, у жумладан Тошкандникини. «Ойна»да ёзилди. Яна ушбу тўғридан идорада саволлар келган сабабли «Сарт масаласи» хакинда кискалик ила минбаъд ёзилатургон нимарсалар хулоса килинди. Ва ушбу тўғридан асослик нимарсалар ёзатургон азизлар учун «Ойна» саҳифалари очукдур.

Энди матлабга келайлук. «Ойна» мухаррири тарафидан 19-адад «Шўро»да ёзилгон сўзларни мазмуни шул эди: фикри ожизича, туркистонийларнинг сарт аталишини сабаби маълум йўқдур. Бу исм шимол халки яъни козок ва тотор кардошларимиз тарафидан Туркистоннинг шаҳар халкига берилган исмдур. Ушбу бобдаги мулохазалар шул тарика хулоса бўлунур:

- 1) казок ва тоторлар Туркистон халкининг хох турк ва тожик ё араб бўлсун, сарт дерлар;
- 2) (ўкиб бўлмади);
- 3) Туркистон жанубидаги Балх, Бадахшон ва Чахор-вилоят халкики, аксаран туркча сўйлашурлар ва ўзлари Афғонистон табъасидурлар, туркистонийларни ўзбек дер, Афғонистоннинг афгон, тожик, ўзбекча сўйлайдургон барча халки туркистонийларининг ўзбак ва турк дер... Сарт деган сўзни абадан билмайдурлар;
- 4) Кафкоз, Эрон ва Хиндистон халки сарт калимасини билмайдурлар, факат туркистоний, турк ё тожик дерлар;
- 5) туркистонийлар бир-бири ила сўрашганда: «Ўзбекмисан тожик?», «Мулломисан хожа?» — деб сўрайдурлар. Туркистонда саййидларни «хожа» дерлар. Хожасиз

араблар-да бордур;

6) Туркистонда машхур 92 кабила — уругнинг исми машхур бўлуб, онинг ичинда «сарт» йўқдур.

Хонлар замонинда жулус хангомида бу 92 кабиладан мурраххас ва оксоколлар Самаркандда жамланиб янги амири(нг) «хон» кўтариб «жулус» маросимини ижро этардилар. Самарканд Тахти Темурийсинда жулус этган Бухоро хонларининг энг охиргиси амири хозирнинг жадди Музаффархондур. Самарканд Бухоро ҳукуматининг Маскови эрди.

Амир Музаффар мархумнинг таърихи жулуси:

Баҳри таърихи жулусаш омад.

Шанбау мох раббиус-соний. (1277 хижрия.);

Туркча таърих шеърияси:

Шох мулку икбол ила

Ўлтурди Кўктош устина.

Кўктош амир жаҳонгир Темур Соҳибкирондан колма тош — бир тахтдурки, Туркистондаги турк элларида 92 уругнинг оксокол ва баковуллари йигилиб, янги хонни ок бир намад — қача устинда ўтқузуб, 92 уруг мураххаслари қачани бирдан кўтариб, янги хонни Кўктош тахтина миндурарлар эди. Ва бу ондан эътиборан хон ва амир эълон қилиниб, нақора, қарнай қоқилиб қолинарди. Амир ушбу 92 нинг оксоколларига олтун ва қилъат, от ва туглар бериб, алардан байъат оларди. Ва хон кўтармоқдан аввал 92 нинг оксоколлари баъзи бир сўзу одатларни риояти учун амирдан ваъда ва сўз олар эканлар. Бу 92 сўзи ал-он халқ оғзинда мавжуд ва мақоллар ҳукминдадур. «Тўксон иккини ичинда... деди», «Бу ер 92 ни йигилган ери, сўзингни билиб сўйла», «Сан бадзот, шажаранг 92 га етмайдур».

7) «Темурнома» ва амсолий китобларда сарт исми мавжуд (ва) уруглар ичинда кўрулмайдур;

8) Туркистон шимолига охирги вақтларда сарт сўзи эшитилиб, аммо Туркистон жануби ва қарғида халқ оғзинда йўқдурки, Туркистон шимолига бу сўзни жорий бўлгани қазок, тоғор ва руслар сабабидандур. Масалан, Тошқанда «сарт арбаси», «сарт қойи», «сарт одати»... дейилган қолда Самарқандда «муқулмони ароба», «муқулмон шаҳри», «муқулмон одати» дерлар;

9) Бухоро ўлкасинда сарт сўзи муқлок йўқ. Халқ ўзбек, тоғик, қазок, турқман, араб қабилаларига мансуб қишилар бўлуб ва шу исмлар ила аталурлар;

10) Туркистоннинг каю бир чўл ва тоғ ё маъмур ериндаги 60—70—100 га киргон кишидан «сарт» сўзи сўралсун, билмайдур. Аммо олчин, барлос, туёкли, кипчок, хитой, турк, кавчин, сарой, мангит, коракалпок, минг, юз, кирк, ўрокли, ойтамгали, қўштамгали, найман, кангли, мўгул ва буларга ўхшаш асомаи кабила, уруг исмларининг машхури ва аларнинг туганмас шўъба ва шохаларини баён килган холда бу «мажхур сарт»ни аслан тилга олмайдур. Кари кишилар: фалона аслан ўзбек ё тожикдур, дер. Асло сарт демас ва сартни билмас, сарт деган кабиладан беҳабардур;

11) сарт сўзини хозирги мафхумидан ҳабардор туркистонлилар гумон киладурларки, сарт сўзи туркистоний деган сўзни русча таржимаси бўлса;

12) матбуотдан боҳабар Туркистон ўзбек ва ё тожик ва ё арабга «сарт» деб хитоб килинса, ўзларига ор хис этарлар. Албатта, бир кишини ота-онаси берган исми бўлуб ва они мансуб бўлгон кабила ва уруги бўлуб туруб, они бошка бир исм ила чакириб ва номаълум ва ё маълум бир кабила исмини онга такилса, они хушланмасга ва эътироз килмокга хаки бўлса керак;

13) Туркистон халкидан ўзини билатургонлари кабила ва уругига у кадар биноси борки, бошка кабилага киз бермайтургонлари бордур. Кизни ўзи хохлаб теккан бўлса, кабила орасидан акча жамлаб даъволашиб чикориб оладурлар. Кабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайтургонларни кул — маркук дерлар.

«Шўро» мажалласининг 1911 санадаги 24-ададинда самаркандий мархум Бакохожа жаноблари «Сарт лафзи аслсиздур» унвони ила баъзи нимарсалар ёзиб эдики, андан минбаъд ёзилатургон моддаларни хулоса килармиз:

1) ўтган саналарда сарт сўзи хакинда руслар орасига мувоҳаса бўлуб, «Туркестански ведомости» русча — жаридасида хар ким хар нима ёзиб ва хар навъ фаразиётлар жорий килиниб эди. Казок биродарларимиздан даъво вакили жаноб Шерали Лапин[1] ёзиб эканки, сарт сўзи ҳақорат сўзларидан бўлуб, «сариг ит»дан ахуз муҳаккадур. Бу лафзни истеъмол килмасга керак. Хозир Туркистонда жорий турки — ўзбаки шевани «сартски» ёинки «сарт тили» демасдан «ўзбаки тил» деб аталсун;

2) Астрўмўф² жаноблари «Сартлар» исминда таҳми-нан 300 саҳифалик русча бир китоб тасниф килгандурлар. Ушбу китобга мазкур жаноб Шерали Лапин тарафидан бир неча эътироз ва баҳслар бўлгандур. Аммо жаноб Астрўмўф, сартлар ким эканлигини исбот килиб бир жойга қарор берганлари йўқ ва китоблари хар нафъ ихтилоф ва фаразиёт ила тўладур;

3) Астрўмўф[2] жанобларини «Сартлар» китобидан ва бошка бир неча русларни ёзган китобидан маълум бўлурки, Фаргона ва Сирдарё вилоятларининг халки «сарт» бўлуб, Самарканд ва Бухоро ўлка — вилоятларининг халки ўзбек ва тожикдурлар;

(«Ойна»: Аммо тарих ва адабиётдан беҳабар рус ва тотора рабта беш вилоят Туркистони Русий ва Бухоро хонлиги халкини(нг) айирмасдан «сарт» дерларки, бир маҳзи асари гафлат ва бутун галати фоҳишдур. Фаргона ва Сирдарё халкининг сартлиги маълум

йўкдур).

4) Гейер[3] жаноблари «Туркистон саёхатномаси»да ёзадурки: «Сартларни асл ва насаблари масаласига hozirгача уламо тарафидан файсал берилган йўкдур. Аларни насабларига тейишли хар нав баёотдан сиххатга якини шулки, Туркистоннинг асл халки тожик бўлуб, сўнгра турк — ўзбек халки тасхир килиб олиб ва бу икки халкни бирлашганидан пайдо бўлган халкларни «сарт» аталиши тахмин ва гумон килинур;

5) Вамбери жаноблари ёзадурки: «Сартларни Бухоро ва Хўкандда тожик атайдурлар. Инчунин жаноб Лазар Будагўфни[4] ва Шайх Сулаймон Бухорий[5] жанобларининг лугатларидан маълум бўлурки, сартлар ахли форс ва тожик эронийлардан иборат бўлса, холбуки эронийлар форс ва тожикдурлар;

6) Логофет[6] жанобларининг «Бухоро хонлиги» ном русча китобинда Туркистонда мавжуд турк-ўзбек кабилаларини теъдод этибдурки, «сарт» кабиласи йўкдур;

7) «Шайбонийнома» сохиби Мухаммад Солих, Алишер Навоий, Бобурхон, Абулғозихонлар туркдурлар, буларнинг таълифотлариндаги сартлар ким бўлур, ажабо? Албатта, булар Туркистоннинг тамом ўзбек ва турк халкини(нг) ва ўз жинсдошларини(нг) сарт демаганлар. Бунлар эронийларни ва ё бошка бир тоифани (уруш замонидаги душманларини) макоми тахир ва очикда сарт деган бўлсалар керакки, «Шайбонийнома»дан шундай билунур;

8) (ўкиб бўлмади);

9) алхосил, ушбу кун Туркистони Русийнинг беш вилоятини ва Бухоро хонлигининг барча турк ва ўзбек халкини «сарт» демак ва ёзмак инсофсизлик, истибдод-ройъи боиси шубха ва тафрикадур, буюк хатодур, вассалом.

Мархум Бакохожанинг сўзи мунда тамом бўлди.

Юкоридаги ёзилган сўзларга караганда, маълум бўлурки, сарт сўзи хакикатан номаълум ва сарт аталмиш кишилар ёинки сартлар букунги Туркистони Русий ёинки Турон, Хоразм ва Бухорода абадан йўкдур, балки бир замонлар бор эмишлар-да, кавми таъ ёинки хун, хамирый, осурий, бобилий... лардек дунёдан бил-кулли сафар этиб, жойларида бошкалар келубдурлар. Тарихга каралса, букун мусаммаси йўк кўб исмларга учралурки, сарт исмида Туркистонда «исми бемусамма» хукминдадур. Сартликни бутун Туркистони Русий ва Бухоронинг турк, тожик ва арабдан иборат халкига токатургонлардан далил сўралса, айтатургонлари албатта шундан иборатдурки:

1. «Шайбонийнома», «Бобурнома», Абулғозихон китобларинда баъзи бир туркистонийларни(нг) сарт аталибдур.

2. Оврупонинг баъзи сайёхлари ёзибдурларки, Туркистонда шахар халкини ёинки форс халкини ё тожирни номаълум замонда сарт атардилар.

3. Номуайян бир замонда Дашти Кипчок ёинки Хитой худудидан «сарт» исминда бир тоифа келиб, Туркистонга ерлашиб, сўнгра бошқалар тарафидан ютулуб ва бошқа уруглар ила аталиб кетгандурлар.

Ана, Туркистони Русий ва Бухоро халкига сартлик исмини токатургонларни далили шундан иборатдур. Биз такрор айтармизки, мазкур уч эхтимолни кайси бири чин бўлган суръатда ҳам нафсул амрда бугун Туронда сарт йўқдур. Хамчунонки, бу кун Оврупода ва Озиёда исман «хун» йўқдур. Тарих хун кавмини сартдан кўра яхши забт этган. Маа фихи букун на Оврупо ва (на) Осиёда «хун» исмлик уруг йўк. Фаразан, сарт кабиласинда бир вақт бор экан, аммо энди сарт уруги йўқдур. Бу қадар машхур уруглар Туркистонда бўлуб ва аталиб туруб, аммо сарт уругини йўқлиги ва ҳеч бир кабилани «ман сарт» демагани бу кунда сартни йўқлигини ва замонида бўлса-да, мункариз бўлганини далилидур. Хўб, туронийларни сартлигини даъво этатургонларни далили бўлса, лутфан баён этмоқларини илтимос этармиз. Ва далилларига қараб, албатта, аҳли қалам муҳокама жорий этарлар. «Сарт» атамoкга ошиқ бўлганлардан баъзан дерларки: «Хар ҳолда туркистоний ва бухорийлар охириги замонларда сарт аталиб ва бу исм машхур бўлубдурки, мунинг тарқ этмоги мумкин йўқдур».

Бу сўз бир неча ваҳждан тўғри эмас. Масалан, усули жаҳидчи ёинки тараккийпарвар ва маданияти ҳозира толибларини Туркистонда баъзан кофир «бобий», Истанбулда «мосун», Эронда ҳоказо «бобий» атабдурлар. Холбуки, «бобий» ва «мосун» бошқа, тараккийпарвар мусулмон бошқадур. Бобий ва мосунлик ила фахр қилатургон номусулмонлар бўлганидек, тараккийпарвар мусулмон бобий ва мосунликни ўзига нисбат беришни абадан қабул қилмэбайдур.

Энди маданиятпарвар мусулмонларнинг «бобий», «фарра», «мосун» исмлари баъзи халқ тарафидан бизга берилибдур, деб мусулмон исмини кўюб, ўзини «бобий» ва «фарра мосун» атамoги ва шул номағруб исмларни ўзига тоқмаги муносибми? Албатта, йўқ дерсиз. Бас, туронийларнинг ўзига махсус ва машхур уруглари бўлуб туруб, мажхул бир уруг исмини ўзларига тоқмасликлари табиийдур, албатта. Дерларки, сарт демайлуқ-да, на дейлуқ? Жавоби ниҳоят осон! Туркистон ўзбеклари, тожиклари, араблари, турклари, руслари, яҳудийлари агарда десаларки, биз Туркистонни турк, араб ва форсийни ташхисдан ожиз ва барчасига умумий бир исм қерак. Бул суратда дермиз. Ундай бўлса тўғри «Туркистонли», «Туркистон мусулмонлари» ёзингиз. Йўк! Бўлмаса, балки бир аср сўнгра Туркистонда мавжуд яҳудий, рус, турк, тожик ва араблар бир либос ва бир хайъатга қирар-да, сиз яна барчасини «сарт» атарсиз.

Тотор муаррихларидан мухтарам Заки Валидий афанди «сарт» иборати тўғрисида тақрибан шундай деюр: «Бир замонлар Туркистон халқи сарт бўлганлар. Аммо Чингизлар ва мўғулларни истилоси сабаби-ла исмлари алмашгандур. Самарқанд ва Бухорода сарт йўк ва ҳам тожик ва араб ва ўзбеклар сарт эмас. Хўқанд ва Тошқанд халқи сартдур, азбаски, алар уругини билмайдур ва ҳам алар на турк ва на ўзбек ва на тожик ва арабга ўхшайдур. Сарт исмлик қабила Туронда бўлмаса-да, эски қитобларда бор».

Юқоридаги рўзлар мунга жавобдур.

(Бакияси бор)

Махмудхўжа

«Ойна» журнали, 1915 йил, 22-, 23-, 25-, 26-сонлар, 314—315-, 338—340-, 386—388-, 478—480-бетлар.

[1] Шерали Лапин — 1917 йилдаги «Шўройи уламо»нинг муассисларидан, сўнг мухожир. 1895 йилда русча «Ўзбек тили грамматикаси», 1900 йилда «Самаркандда Шохизинда» китобларини чоп эттирган.

[2] Машхур миссионер Н. П. Остроумовнинг 1890—1895 йилдаги босилган «Сарты» китоби кўзда тутилмокда.

[3] И. И. Гейер — сайёх.

[4] Л. З. Будагов (1812—1878) — шаркшунос.

[5] Шайх Сулаймон Бухорий (1821—1880) — лугатшунос.

[6] Д. Н. Логофет — шаркшунос.